

ЁШЛАРНИ БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШНИНГ ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ МАСАЛАЛАРИ

Авулова Наргиза Тохировна

*СамДУ Психология ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультети Педагогика ва
умумий психология кафедраси ассистенти*

Аннотация. Ушбу мақолада ёшларни ижтимоий фаоллигини оширишда тизимли ёндашувларни, таълим ва тарбияни тўғри йўналтириш масалалари таҳлил этилди. Ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш масаласига бевосита боғлиқ эканлиги, Ўзбекистоннинг ёшлар соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишларни ўз ичига олган масалалар илмий ўрганилди. Ёшларни ватанга бўлган муҳаббатини, атроф бўлаётган воқеа-ҳодисаларга даҳилдорлик ҳиссини шакллантириш ўларни ижтимоий ҳаётда ўз ўрниларини топишда давлат, нодавлат ташкилотлари, таълим ташкилотларининг ўрни ва аҳамити таҳлил этилди.

Калит сўзлар: ёшларни ижтимоий фаоллиги, уюлмаган ёшлар, тафаккур, маданияти, гоёвий-мафкуравий тарбиялаш, тизим, ёшлар бандлиги.

Ёшлар барча даврларда жамиятнинг интилувчан, ҳаракатчан фаол қатлами сифатида эътироф этиб келинган. Давлат томонидан ёшларнинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намоён этиши учун мақбул шароит ва имконият яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизими ёшларга оид давлат сиёсатини англатади. Ўзбекистонда ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятини, ҳуқуқий онги ва маданиятини, билим, дунёқарашини юксалтириш ёшларда янгича тафаккур маданиятини шакллантириш асосида олиб борилмоқда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам ёшларнинг юксак маънавий маданиятга эришувини таъминлаш, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ҳар томонлама янгича фикрлайдиган маънавий баркамол инсонни тарбиялаш, ахлоқий ва руҳий жиҳатдан пок ҳамда етук авлодни камол топтиришдан иборатдир. Ёшларда янгича тафаккур маданиятини шакллантириш масаласининг давр руҳи билан уйғунлашиб боришини Т.Махмудов қуйидагича эътироф қилади: “Ёшлар ҳаёт майдонига қадам қўяётган эканлар, қайси томонга қарайдилар (орқагами, олдингами), кимга эргашмоқдалар, нимани орзу қилмоқдалар, ўз ёшлик кучи, истеъдоди ва имкониятларини нимага сарф

қилмоқдалар – булар бевосита миллат ва мамлакат истиқболини белгиловчи масаладир. Ана шу маънода ёшларга бефарқлик истиқбол мевасининг илдизига болта уриш билан баробар бўларди¹.

Ёшларда янгича тафаккур маданиятини шакллантириш ҳақида фикр юритилар экан, энг аввало тафаккур тушунчасининг ўзига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатда баркамол инсонни, баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлат ва жамият тараққиётидаги устувор масала сифатида қаралмоқда. Ўзбекистоннинг келажаги, унинг истиқболи, энг аввало ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш масаласига бевосита боғлиқ бўлиб, Ўзбекистоннинг ёшлар соҳасидаги сиёсати қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олмоқда.

1. Ёшларни жисмонан ва ақлан соғлом бўлиб ўсишини таъминлаш.

2. Уларга тадбиркорлик, ишчанлик, мустақил фикр юритиш қобилиятини ҳаётдаги биринчи қадамлариданок сингдириш.

3. Ҳар бир ёшни ўз Ватанига муҳаббат ва меҳр, садоқат ва фидокорлик руҳида тарбиялаш.

4. Бу меҳр-муҳаббат ва садоқатнинг илдизи чуқур бўлиши учун ёшлар ўз миллати, ўз юрти тарихини, урф-одатлари, анъана ва қадриятларини ҳамда унинг жаҳон цивилизацияси тарихий тараққиётидаги ўрнини ҳар томонлама билишини таъминлаш.

5. Спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, спортдан мамлакат ва миллатни улуғловчи холис восита сифатида фойдаланиш.

Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавфхатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-куй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига кулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак.

Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Ушбу сўзлар Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йил 4-декабрда Президент бўлиб сайлангач, 7-декабрдаги тантанали маросимда айтилган эди.

Уюшмаган ёшлар деганда бирор жойда ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар назарда тутилиб, ёшлар ўртасида турли жиноятларнинг содир этилиши, диний экстремистик оқимларга, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолиш ҳолатлари айни мана шу ижтимоий гуруҳга тааллуқли фуқаролар ўртасида анча юқоридир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган ёшлар ва шу билан биргаликда уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ёшларни фаоллаштириш, уларнинг ташаббускорлигини ошириш ёшлар тарбиясига ижодий тарзда ёндашиш, тарбия жараёнининг ўзини тизимли равишда ташкил қилишни талаб қилмоқда. Тизим атамаси “ўзаро боғланган ва белгиланган яхлитлик, бирлик”ни ташкил қиладиган қисмлар ёки кўпгина элементлардан ташкил топган бир бутунликни билдиради. Бошқариш тизими бошқариладиган объект, бошқарувчи орган ва ижро органидан иборат бўлиб, жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган ва уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил этишнинг энг муҳим вазифалари – ёшларнинг бўшвақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида улғайишларига қўмаклашиш, ёшлар ўртасида иқтидорли ва истеъдодлиларини излаб топиш ва уларни қўллаб қувватлаш, ақлан етук ва жисмонан бақувват бўлиб камол топишларини ташкиллаштириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт мусобақаларига оммавий жалб этиш кабилардан иборатдир. Бу борада 2024 йил 12 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида 12 январь куни Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ўз фикрларини бериб ўтдиб, айниқса, “Глобаллашув жараёнлари ҳамда одамлар, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онги учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги ўта мураккаб шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди. “Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур”, - деб таъкитлаб ўтди Президентимиз. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари ёшларни ҳарбийватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини қайта кўриб чиқиш юзасидан тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди. Навқирон авлод вакиллариининг юртимиздаги ислохотлар жараёнидаги иштирокини ошириш, улар ўз интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароитлар яратиш муҳимлигига эътибор қаратди”.

Жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият олиб боровчи ёшлар ўртасида таълимтарбиявий ишларни олиб боришда давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим ва тарбия муассасаларининг биргаликдаги илмий, ижодий фаолиятлари талаб қилинадиган бўлса, уюшмаган ёшлар билан олиб бориладиган ишларни тизимли ташкил этишда уюшмаган ёшлар ижтимоий қатламини илмий назарий ўрганиш, уларни касб-хунарга ўргатиш, қайта тайёрлаш ва бандлигини таъминлаш, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини такомиллаштириш, уюшмаган ёшлар билан олиб бориладиган ишлар самарадорлигини ошириш, уюшмаган ёшларни ғоявий-мафкуравий тарбиялаш масалаларига катта эътибор қаратилади.

Ёшларда янгича тафаккур маданиятини шакллантириш жамиятимиз ҳаётида вужудга келган бир қатор вазифаларни ҳал этишни кўзда тутди. Энг аввало мамлакатимизда бозор муносабатлари жадал шаклланиши шароитида ёшларимиз онгида унга мос иқтисодий тафаккурни шакллантириш талаб қилинади. Иккинчидан, ёшларимиз онгида ҳозирги замон фан-техникаси ва технологияси ютуқларини эгаллаш зарурлиги шакллантирилади. Учинчидан, демократик кадриятларни ёшларимиз онгига сингдириш ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, демократик кадриятларни эгаллаш уларни мустақил фикрлашга, жамиятда ўз ўрнини топишига, ўз-ўзини англаши ва эркин фаолият кўрсатишларига имкон беради. Тўртинчидан, ватанпарварлик, халқпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида ёшлар онги ва дунёқарашини шакллантириш масаласига асосий эътибор қаратилади. Бешинчидан, фидойилик туйғусини ёшларимиз онгитафаккурида мустаҳкам шакллантириш миллий ривожланиш учун зарур омил сифатида эътироф этилади. Фидойилик бу Ватан равнақи йўлида виждонан меҳнат қилиш, шу билан биргаликда у моддий ва маънавий бойликларни асраб-авайлаш, уларни кейинги авлодларга етказиб берилиши билан ҳам боғлиқдир.

Ёшларда янгича тафаккур маданиятини шакллантиришнинг зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузалари, нутқлари ва асарларида ҳам доимо эътибор қаратилиб келинаётган масалалардан бири бўлиб, - Фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади, - деб таъкидлайди Президент.

Бугунги кунда ёшларни тарбиялашда биринчи ўринга янги техника, технология ва фан ютуқларини ўзлаштириш қўйилмоқда. Хорижий тилларни, янги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш, бу омилларни тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан уйғунлаштириш, уларнинг бирлигига эришиш Ўзбекистон

олдида турган асосий вазифани – замонамизнинг ривожланган давлатларидан бири бўлиш вазифасини амалга оширишни тезлаштиради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ёшларни тарбиялашда биринчи ўринга уларнинг турли тилларни билиши, компьютер техникасини мукаммал эгаллаши, янги техника, технология ва фан ютуқларини ўзлаштириши муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Бу омилларни тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан уйғунлаштириш, уларнинг бирлигига эришиш Ўзбекистон олдида турган асосий вазифани – замонамизнинг ривожланган давлатларидан бири бўлиш вазифасини амалга оширишни тезлаштиради. Ушбу мақсадни амалга оширишда жамиятдаги барча фуқаролар, энг аввало жамиятдаги энг фаол, изланувчан, ишбилармон ва тадбиркор ижтимоий қатлам бўлган ёшлар, шу билан биргаликда уюшмаган ёшлар билан олиб бориладиган ишларни тизимли равишда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Тошкент, Шарқ, 2001 йил, 120 бет.
2. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Самарқанд” газетаси, 2016 йил 10-декабрь, 3 бет.
3. Янги Ўзбекистон газетаси – № 9 (1070) 2024 й. 13-январ